

Бутун дунёда шундай бўлишни истардим



09:00 / 27.07.2022 2722

Стэнфорд университетининг 2 йил аввал ўтказган тадқиқоти натижаларига кўра, Салоҳ Ливерпулда ўйнай бошлаганидан буён шаҳарда диний нафрат негизидаги жиноятлар 18,9% га, «Ливерпуль» фанатларининг ижтимоий тармоқлардаги мусулмонларга қарши комментлари 50% га камайган (АПЛнинг бошқа топ-клубларида эса аксинча).

Бу – нуфузли Time журнали 2019 йилда Салоҳни дунёнинг энг обрўли ва таъсири кучли шахслари топ-100 рўйхатига киритишига сабаблардан биридир. Зиёлилар орасида «Салоҳ эффекти» ибораси пайдо бўлди.

Клуб ҳатто совринларни нишонлашда алкоғолсиз шампан виноларидан фойдалана бошлади.

Жордан Хендерсон The Times нашрига гапириб бергани: «Кийим алмаштириш хонасида Ислom дини ҳақида бирор негатив йўқ. Бутун дунёда шундай бўлишни истардим», – деди «Ливерпуль» сардори.

Манба: Muslim Mind

Бобур Акмалов